O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

# НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

**Da'vat**

*Navro'zi olam o'z mohiyati, o'z ruhi, o'z nafasi bilan xalqimizning olijanob qalbini, uning asl tabiatini ifoda etadi.*

**Islom KARIMOV**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 20 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 21 (7424)

**Ibrat**

**Navro'z bayrami arafasida poytaxtimizda joylashgan oliy o'quv yurtlarining bir guruh faol talabalari Toshkent shahar kasaba uyushmalari kengashining maxsus stipendiyasiga sazovor bo'ldilar.**

## "БУ АДОЛАТНИНГ ҒАЛАБАСИДИР"

**Ҳар бир юртнинг, миллатнинг чин фарзандлари бўлади ва улар борлиги учун-да миллат тирик, юрт боқий. Бу боқийлик халқнинг кўҳна анъанаю удумлари, қадриятлари бардавомлиги билан ҳам устивор. Наврўз халқимизнинг ана шундай анъаналари, удумлари, қадриятларини ўзида мужассам айлаган гўзал байрамдир. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбири билан айтганда: "Наврўзи олам ўз моҳияти, ўз руҳи, ўз нафаси билан халқимизнинг олижаноб қалбини, унинг асл табиатини ифода этади". Шундай қутлуғ байрамимизнинг минг-минг йиллардан буён юртимизда нишонланиб келароқ, бизгача етиб келгани боиси эса, юқорида таъкидлаганимиз, шу юртнинг фидойи, чин фарзандлари саъйи ҳаракатлари натижасидир. Аждодларимиз бу гўзал байрамимизни ҳар қандай бало-қазолардан сақлаб бизларга мерос этдилар, биз-да уни авлодларга етказишга бурчлимиз.**

**Яқин тарихда она Наврўзимизнинг бошига қора кунлар тушганлигини, уни нишонлаш таъқиқлаб қўйилганини, ўрнига сунъий бир "Навбаҳор" байрами ўйлаб топилганини юртдошларимиз яхши эслашади. Минг шукрки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жафокаш халқимиз, минг йиллик қадриятларига, Наврўзларига қайта эга бўлди. "Наврўз мустақил Ватанимиз учун айниқса, азиз ва қадрли! — деган эди юртбошимиз Ислом Каримов. — Чунки биз уни курашиб қайта қўлга киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврўзни ҳам бадном қилмоқчи бўлдилар, халқни табаррук байрамдан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу ғарази амалга ошмади. Истиқлол шарофати билан халқимиз кўҳна байрамини росмана яйраб тантана қилишга мушарраф бўлди. Бу адолатнинг ғалабасидир".**

**Бу ғалабага осонликча эришилгани йўқ. Демакким, уни эндиликда доимо огоҳ бўлиб, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу халқнинг ҳар бир фарзанди учун виждоний бурчдир. Келажак авлодни ҳам шунга муносиб равишда чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш вазифамиз ҳисобланади. Зеро, чинакам ватанпарвар фарзандлари бор юртда адолат мудом ғалаба қилаверади, шундай юртга байрамлар ярашади.**

**Байрамлари ўзига ярашган жонажон юртимизнинг Наврўзлари доимо қутлуғ бўлсин!**

**Икром БЎРИБОЕВ**

## ШАҲАР БОСҚИЧИНИНГ БИРИНЧИ ҒОЛИБЛАРИ

"Умид ниҳоллари"нинг IV босқичи Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам бошланганлиги ҳақида газетамизнинг аввалги сонларида хабар берган эдик. 1 апрелга қадар давом этадиган мазкур мусобақаларда туман терма жамоалари стол тенниси бўйича Юнусобод туманидаги 257-ўрта мактабда, теннис бўйича Бектемир туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабидада, шахмат бўйича — Шайхонтоҳур туманидаги 15-махсуслаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактабида, сузиш бўйича — Собир Раҳимов туманидаги 23-БЎСМ. да, кураш бўйича — Сирғали туманидаги 11-МБЎОЎСМда, белбоғли кураш бўйича — Юнусобод туманидаги 271-ўрта мактабда, қўл тўпи бўйича — Яккасарой туманидаги 5-МБЎОЎСМ да, баскетбол бўйича — Чилонзор туманидаги 182- ва С. Раҳимов туманидаги 242-мактабларда, волейбол бўйича — Миробод туманидаги 94- ва 60- ўрта мактабларда, футбол бўйича С.Раҳимов туманидаги "Истиқлол" ва Бектемир туманидаги Красницкий номли стадионларда, енгил атлетика бўйича — Мирзо Улуғбек туманидаги "Динамо" стадионида баҳс юритадилар. Бугунга қадар қўл тўпи (қизлар ўртасида), сузиш ва кураш бўйича мусобақалар ўтказилди ва қўл тўпи бўйича Яккасарой, сузиш бўйича Миробод, кураш бўйича Сирғали туманларининг терма жамоалари биринчиликни қўлга киритдилар. Айни пайтда эса футбол ҳамда волейбол мусобақалари қизғин паллага кирган.

"Умид ниҳоллари" ўйинларининг IV вилоят ва шаҳар босқичи мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил даврида ниҳоясига етиб, ғолиблар 24-30 апрел кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган мамлакат финал босқичида ўз вилоятлари шарафини ҳимоя қиладилар. Ва энг муҳими, ғолиб ўқувчилар олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия ва спорт факультетларига тест имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинадилар. Аҳамият берсак, бундай рағбатлантириш ёшларнинг спортга бўлган муносабатини яхшилайди ҳамда мустақил юртимизнинг фидойи кишилари бўлиб етишишларига турткы бўлади. Биз эса "Умид ниҳоллари" мусобақалари иштирокчиларининг барчасига омад тилаб қоламиз.





## БАРЧАГА БИРДЕК ЗАВҚ ВА ШАВҚ БАҒИШЛАДИ

Ўлкамизга орзиқиб кутилган Наврўзи олам ташриф буюрмоқда. Айниқса, уни ўғил-қизлар ўзгача севинч билан кутиб олишаяпти. Кеча Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-мактабда "Наврўз — янгиланиш, дўстлик ва баҳор байрами" мавзуида катта байрам томошаси уюштирилди. Унда Япония элчихонаси вакиллари, туман ХТБ ходимлари, маҳалла фаоллари, ота-оналар меҳмон сифатида қатнашишди.

Давра шаклида ташкил этилган томошани шу мактаб ўқувчилари рус, ўзбек, инглиз, япон тилларидаги куй-қўшиқлари билан бошлаб беришди. Тантана давомида мамлакатимиздаги Япония элчихонаси вакили Таданори Куманога сўз берилди. Кумано жаноблари ўз сўзида Наврўз байрами ўзига хос тарзда ўтказилаётгани ва унда ўқувчилар бошқа халқлар қўшиқлари қатори Япония қўшиқларини ҳам куйлаганликларидан таъсирланганлигини қайд этди.

Албатта, байрамларда илм масканида эришилган ютуқларни, қўлга киритилган муваффақиятларни тилга олиб ўтса арзийди. Шу маънода мактаб раҳбари Элла Янборисова мактаб ютуқлари ҳақида гапира туриб, илм маскани ўқувчиларининг ўтган йили умумтаълим фанлари бўйича туман, шаҳар олимпиадаларида эришган муваффақиятларини, бу йил ҳам мактабнинг 9 нафар ўқувчиси фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаганликларини фахр билан гапирди.

Даврага "Турон" фуқаролар йиғини раиси Яҳё Файзуллаев таклиф этилди. У барча-барчани янгиланиш байрами билан қутлаб, мактабнинг илғор ўқитувчиси Ольга Белорусова, шунингдек, ўқувчилардан ўз суратлари билан элга танилаётган ёш рассом С.Алиева, Санкт-Петербургда таэквандо бўйича ўтказилган мусобақадан олтин медаль олиб қайтган Д.Қурбоновларга маҳалла қўмитаси совғаларини топширди.

Тантана давом этаётган пайтда даврага от қўшилган аравада Баҳорой ва Наврўзбеклар кириб келишди. Бу ташриф йиғилганларни шодлантириб, ўғил-қизларни янада севинтирди.

— Наврўзни ҳар йили интиқлик билан кутаман, — деди мактабнинг биология фани ўқитувчиси Галина Чубарева. — Айниқса, шу пайтда ўғил-қизлар даврасида бўлиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Бундай дейишимнинг ўзига хос сабаблари бор. Мен мазкур даргоҳда эллик учинчи бор Наврўзни қарши олаяпман. Айнан шу масканда ўн йил таълим олган бўлсам, қирқ уч йилдирки, ўғил-қизларга биология фанидан дарс бераяпман. Бугунги байрам эса аъло даражада, ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтди. У эзгулик, дўстлик байрами сифатида умумхалқ шодиёнасига айланиб кетди, десам муболаға бўлмайди.

**Қ.МАТҚУРБОНОВ**

**Tanlov**

## ИСТЕЪДОДНИ ҚЎЛЛАЙДИ ВАТАН

Истеъдод қўллаб-қувватланишни истайди, ривожлантирилгандагина "мева" беради. Ва яна шуниси муҳимки, истеъдод эгалари рағбатлантирилиши ҳам керак.

Ўтган куни киночилар уйига мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқиётган, илм эгаллаётган ва фаолият кўрсатаётган ёшлардан бир гуруҳи тўпланишди.

"Истеъдодлар бешигисан, Ўзбекистоним", "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" шиори остида бўлиб ўтган 7 та йўналишдаги кўрик-танловларнинг якунига бағишланган маросимда ғолиблар эълон қилинди. Фан ва техника, шеърият, бастакорлик, тасвирий санъат, миллий қўшиқ ижрочилиги, публицистика, мураббийлик йўналишлари бўйича Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловга жами 1,5 мингта ижод намуналари келиб тушган эди. Табиийки, сон қанча кўп бўлса, сифат учун курашда рақобат шунчалик кучаяди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган иккита республика танловида биринчи, иккинчи, учинчи ўринлар 22 нафар иштирокчига насиб қилди. 30 нафардан ортиқ истеъдодли ёшлар рағбатлантирувчи мукофотларга лойиқ деб топилди.

Фан ва техника йўналишида биринчи ўринга муносиб деб топилган Тошкент Давлат Юридик институти тадқиқотчиси Миродил Баратов минбарга кўтарилиб, жумладан, шундай деди:

— "...IX-XI асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн Сино ва улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, XXI асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим". Ҳа, биз ёшлар Юртбошимизнинг ана шу даъватларига муносиб жавоб беришимиз керак. Ватан биздан ана шуни кутмоқда.

Ғолибларга пул мукофотлари, диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА

"MA'RIFAT" МАСЛАҲАТХОНАСИ 2-бет

ЭШИКНИ ЧЕРТМОКДА НАВРЎЗИ ОЛАМ 3-бет

БУЮК ФИЗИКЛАР ИШТИРОКИДА ДАРС 3-бет

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ 4-бет

СУВ ЯШНАТАДИ, СУВСИЗЛИК ҚАҚШАТАДИ 4-бет

НАВРЎЗ ОДАТЛАРИ 4-бет

ОДАМ АТОДАН МЕРОС КАСБ ёхуд зироатчилик тарихидан 5-бет

АЁЛЛАР МЕҲРИ ҚЎШИБ ПИШИРИЛАДИГАН ТАОМ 5-бет

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЎМКҲТ БОШҚАРМАСИ: БУГУНГИ КУН НАФАСИ 6-бет

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### QABUL

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 18 mart kuni Oqsaroyda Turkiya Respublikasi Qurolli kuchlari Bosh shtabi boshlig'i Husayn Qivriq o'g'lini qabul qildi. Uchrashuvda ikki mamlakat o'rtasidagi harbiy, harbiy-texnikaviy aloqalar va Afg'onistonda amalga oshirilayotgan aksilterror operatsiyasi, mintaqaviy hamda xalqaro xavfsizlikka oid masalalar yuzasidan fikr almashildi.**

### KONFERENSIYA

**Oliy Majlisning Ijtimoiy masalalar va bandlik qo'mitasi tomonidan "Qariyalarni qadrlash yili" munosabati bilan ilmiy-amaliy konferensiya o'tkazildi. Konferensiyada amaldagi qonun, farmon va qarorlarni hayotga tatbiq etish yuzasidan muayyan takliflar bildirilib, kerakli tavsiyalar ishlab chiqildi.**

### QULAYLIK

**Andijon iqtisod kollejida 12 ta zamonaviy kompyuter bilan jihozlangan test markazi ochildi. Respublika test markazi bilan modem aloqasi yordamida bog'langan ushbu markazda iste'dodli o'quvchilar ko'p variantli testlar bilan ishlash uchun qulay imkoniyatga ega bo'ldilar.**

### YIG'ILISH

**Bekobodda qora va rangli metall parchalari va chiqindilarini tayyorlash, qayta ishlashga topshirishni nazorat qilish va muvofiqlashtirish respublika komissiyasining yig'ilishi bo'lib o'tdi. Yig'ilishda yurtimizda o'nlab yangi akademik litsey va kasb-hunar kollejlari, madaniy-maishiy muassasalar qad ko'tarayotgan ushbu kunlarda quruvchilarni metall—binokorlik materiallari bilan o'z vaqtida ta'minlash uchun bu sohada sustkashlikka o'rin yo'qligi alohida ta'kidlandi.**

## ИЖОДКОРЛИККА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

*Яқинда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 231-мактабда ижодкор ўқитувчилар меҳнатини ва ижод маҳсулларини муносиб баҳолаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида кўргазмали ўқув қуроллари танлови бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, аввалги кўргазмали қуроллардан дарсларда фойдаланиб бўлмаслиги ва Давлат таълим стандартларига мос келмаслиги боис мактабда ижодкор ўқитувчилар ўзлари кўргазмали қуроллар тайёрлаб, ўқувчиларга дарс бериб келмоқдалар. Ушбу танловда мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Офтоб Амированинг "Мусиқий тест" деб номланган кўргазмали қуроли биринчи ўринга лойиқ деб топилди.*

**Дилором ТОШТЕМИРОВА,**
**231-мактабнинг "Одобнома" фани ўқитувчиси**

## O'qutuvchi yon daftariga

### VULQON FAOLLASHMOQDA

**Rossiyalik olimlar tarqatgan axborotda aytilishicha, Kamchatkadagi Karimskiy vulqoni keyingi vaqtda faollashgan bo'lib, bu yerda so'ngi paytda 300 dan ortiq kichik yer silkinishlari qayd etilgan. Mazkur vulqonning eng yuqori darajada faollashuvi 1996 yilda qayd etilgan edi.**

### TOVUSH O'RNIGA HID

**Germaniyalik Paul Vgolner ismli kishi ajoyib kashfiyot yaratdi. Kashfiyot uyali aloqa vositalariga taalluqli bo'lib, maxsus apparat qo'ng'iroq paytida tovush o'rniga arxidey va atirgullarning nafis hushbo'y hidini tarata boshlaydi.**

### KO'HNA TOPILMA

**AQShning Ogayo dorilfununi olimlari tomonidan topilgan ko'hna topilma bundan 300 million yillar burun yashagan suvarakning qotib qolgan qoldiqlaridir. Hozirgi suvaraklardan ancha yirik bo'lgan, qandaydir yo'l bilan yaxshi saqlanib qolgan bu topilmaga asoslanib, olimlar, suvaraklarning yer yuzida dinozavrlardan ham oldin paydo bo'lganligini ta'kidlashmoqda.**

### HARORAT KUCHAYMOQDA

**Mutaxassislarning ta'kidlashlaricha, so'ngi vaqtlarda Yerda iqlimning keng miqyosda ilib borishi kuzatilmoqda. Bunga sabab, avvalo quyosh faolligi bo'lsa, ikkinchidan texnika taraqqiyoti ham haroratning oshib borishiga hissa qo'shmoqda. Yonish jarayonida atmosferaga ko'tariladigan turli zararli tutunlar tufayli issiqxonalardagidek iqlim harorati yuzaga kelmoqda.**

*Дилфуза Матбобоева Японияда ўтказилган "Хайр XX аср, Ассалом XXI аср" деб номланган ёш рассомлар танловида "Қишлоқда тўй" номли расми билан иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади.*

*Мазкур синфлар банк соҳасини эгаллашга қизиқиши кучли бўлган қобилиятли, иқтидорли ўқувчиларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришга имкон беради.*

Ma'rifat

## ХАЛҚ ТАҚДИРИГА ДОХИЛ ШЕЪРИЯТ

**Taqdimot**

*Ўзбекистон миллий матбуот марказида халқимизнинг файласуф шоири Абдулла Орипов умр йўлига бағишланган "Ўзбекистон Қаҳрамонлари" туркумидан тайёрланган ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

*Фильм сценарийси муаллифи Шойим Бўтаев Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов шахсини халқ тақдири билан, ўз шеърияти билан боғлиқ равишда, тўла-тўкис ифодалаб берган бўлса, фильм режиссёри Саидботир Аҳмадхўжаев уни рангли тасвирнинг кишини лол қолдирадиган, ҳаяжонга соладиган жиҳатлари билан таъминлай олган.*

*Фильм йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тақдимот маросимидан сўнг ижодкорлар Омон Матжон, Азим Суюн, Эркин Аъзам, Нормурод Нарзуллаев, Жуманиёз Жабборов ва бошқалар фильмга ўз муносабатларини билдириш билан биргаликда таклиф ва мулоҳазалари билан ҳам ўртоқлашдилар.*

**Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли**

**Андижон вилоятидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида айни пайтда 450 дан зиёд тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тўгаракларда 16 мингга яқин ўқувчилар иштирок этиб, дарсдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга ажойиб ҳунарлар ҳам эгаллашаяпти. Яқинда вилоятда тасвирий ва амалий санъат тўгараклари раҳбарлари республика ўқув кенгаши ўтказилди. Анжуман манзили учун Андижон вилоятининг танлангани бежиз эмас. Избоскан туманидаги**

## ИЖОДКОРЛИККА ЙЎЛ

**Тўрткўл қишлоғида жойлашган нафис санъат лицейи ўқувчиси Дилфуза Матбобоева Японияда ўтказилган "Хайр XX аср, Ассалом XXI аср" деб номланган ёш рассомлар танловида "Қишлоқда тўй" номли расми билан иштирок этиб, 1-ўринни эгаллади. Қўрғонтепа туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Шерзод Отабоев Республика ёш рассомлар танловида ғолибликни қўлга киритиб, Андижон Давлат Университетига имтиёзли қабул қилинди. Анжуман қатнашчилари Андижон, Асака шаҳарлари, Булоқбоши, Бўз, Балиқчи, Избоскан туманлари болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази фаолияти билан танишдилар.**

**О.СИДДИҚОВ**

## БИЛИМГА РАҒБАТ

**Tashabbus**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона вилоятидаги кенгаши ва бўлимлари ташаббус билан чиқиб, олимпиада ўтказдилар. Унда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коллеж ва лицейлардан, ўрта мактаблардан ташриф буюрган 60 нафар талаба ва ўқувчилар "Камолот" стипендиясининг соҳиби бўлиш учун билимлар синовида қатнашдилар. Кўзланган мақсад ёшлар орасидан аълочи ва иқтидорлиларини танлаш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг келажакда ўз соҳасининг билимдон кишилари бўлиб етишишлари йўлида шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишдан иборат.

Олимпиада иштирокчилари уч босқич бўйича баҳслашдилар. Шартлар қуйидагилардан иборат бўлди: танланган соҳага оид тест синовларидан ўтиш, Ватан тарихи, миллий қадриятлар, маданий меросимизни ўрганиш ва қадрлаш борасидаги нотиқлик маҳоратини намойиш этиш ҳамда танланган касбга оид саволларга жавоб қайтариш. Натижада 14 нафар ўқувчи ва талаба мукофот соҳиби бўлишга эришди. Улар энди йил мобайнида минг сўмдан уч минг сўмгача "Камолот"нинг махсус стипендиясини оладилар.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз**

## "ЗУККО АВЛОД – 2002"

*Пойтахтимизда ҳар йили истеъдодли, қобилиятли болаларни излаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтидорли болалар анжумани ўтказилади. Яқинда ушбу анжуман доирасида "Зукко авлод-2002" деб номланган шаҳар фестивали бўлиб ўтди.*

*Тасвирий-нафис амалий санъат билан шуғулланувчи болалар асарларини намойиш этиш билан бошланган "Зукко авлод -2002" фестивали мактаб ўқувчиларига ўзбек миллий маданияти ва санъатининг энг яхши анъаналарини сингдириш, уларнинг ижодий маҳоратларини ўстиришга ёрдам беради.*

*Ушбу фестивалда манзара, графика, миниатюра, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, миллий каштачилик, зардўзлик, халқ ҳунармандчилиги, бадиий тўқиш, юмшоқ ўйинчоқлар ясаш каби йўналишларда туман босқичларида ғолиб чиққан етти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 250 нафардан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.*

*Кўргазмага қўйилган ишларни академик, таниқли рассом Акмал Нур бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолайди. Кўргазма эса Санъат музейида 29 мартгача давом этади.*

**МУХБИРИМИЗ**

## КОЛЛЕЖ ҚИРОАТХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ

**Milliy dastur — amalda**

***Шаҳрисабз технология коллежи раҳбарияти жорий йилда самарали услублардан бирини жорий этди. Коллежда барча талабларга тўла жавоб бера оладиган қироатхона ташкил этилди. Авваламбор, қироатхона шу кунимизнинг талаблари асосида жиҳозланди ва шарқона нафис дид билан безатилди.***

***Қироатхонада "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Президентимиз асарларини ўрганамиз", "Маънавият — тараққиёт омили", "Иқтисодиёт омиллари", "Бахтимиз қомусини ўрганамиз", "Буюк Темур ва шаҳри Кеш", "Аждодлар мероси", "Донолар бисоти", "Матбуот" бурчаклари ташкил этилди.***

***— Қироатхона хизматидан фойдаланмоқчи бўлган талаба, ўқитувчи ёки истаган фуқаро, энг аввало, қироатхонага аъзо бўлиши керак, — дейди коллеж қироатхонаси мудираси Ҳамробиби Воҳидова. — Шундан сўнг у ҳафтанинг исталган кунида эрталаб соат 9 дан кеч соат 22 гача қироатхонамизда ўтириб ўқиши, ўзи учун керакли адабиётларни, матбуот нашрларини ўрганиши мумкин. Талабаларимиз учун керакли деярли барча адабиётлар, ўқув қўлланмалари ўзимизда бор. Республикамизда чоп этилаётган асосий газета ва журналларни сонма-сон оламиз. Талабалар қироатхона хизматидан кенг фойдаланишаяпти. Илмга чанқоқ ёшларга хизмат кўрсатаётганимиздан биз ҳам хурсандмиз.***

***— Қироатхонамиз қошида "Компьютер ўқуви"ни ҳам ташкил этишни режалаштирганмиз, — дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича муовини Матлуба Ҳалимова. — Бу ишни ҳам яқин орада амалга оширамиз...***

**Абдували ОБИДДИНОВ,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

## САКСОН НАВРЎЗНИ ҚАРШИЛАГАН ОТА

**Ustoznoma**



Дунёда шундай ибратли кишилар борки, бутун борлиғини халқ манфаати, унинг бахти, фаровон ҳаёти учун бағишлаганини кўриб кишининг ҳаваси келади. Айниқса, халқни зиё нуридан баҳраманд қилиш, фарзандларига таълим-тарбия бериш, уларнинг камолини кўришдек бахтни ҳар ким ҳам орзу қилса керак. Ана шундай олижаноб, эл бахт-саодати учун елиб-югуриб, халқнинг ҳурматига сазовор бўлган инсонлардан бири Очил Нав-рўзовдир.

Очил ака Наврўзов 1922 йили Нурота шаҳар Будик маҳалласида косиб оиласида туғилди. У киши оилада катта ўғил сифатида дастлабки таълимни оталаридан олганлар. Очил ака ўрта мактабни яхши битиргани учун уни Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон санаториясига дам олиш учун юборишади. Бу 1941 йил июн ойи эди. Самарқандга келган Очил ака уруш бошланганини эшитди. Дам олишдан воз кечиб, Нуротага қайтиб келди. Июн ойидан 1сентябргача умумий сафарбарликда иштирок этди. 1941-1942 йиллар Катталар мактабида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1942 йил июн ойидан бошлаб кўнгиллилар қатори 20 ёшли навқирон йигит фронтга отланди. Уруш якунлангач Очил ака соғ-саломат она юрти Нуротага қайтиб келди ва ўзи битирган Пушкин номли 1-ўрта мактабда математика фани ўқитувчиси бўлиб иш фаолиятини бошлади.

Очил ака халқ таълими бўлими мудири лавозимида 1985 йилгача узлуксиз 30 йил фаолият кўрсатди. Бу давр ичида Нуротада мактаб-маориф иши кенг тараққий топди. Маориф шаҳобчалари кенгайди, янги мактаблар қурилди. Чорвадорлар ватани бўлган Нурота халқининг тарқоқ ҳолда жойлашганлигини тўғри англаган Очил ака ўқувчиларнинг яхши таълим олишлари учун тўлиқ шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. Мактаблар сони шу йилларда 80 тадан ошиб кетди. Педагогик кадрларнинг сифат таркиби яхшиланди. Мактабларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди. Очил ака шу йиллар мобайнида таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини оширишда ўзининг бор педагогик тажрибасини ишга солди. Устознинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб баҳосини олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Очил ака Наврўзов давлатимизнинг 15 дан зиёд орден ва медаллари билан тақдирланганлар.

Очил ака ўз шогирдлари билан фахрланса арзийди. Фалсафа фанлари доктори, профессор М.Баротов, химия фанлари доктори профессор К.Розиқов, тарих фанлари доктори, О.Қўшмуродов, кимё фанлари номзоди К.Ҳайдаров каби юзлаб шогирдлари Очил аканинг номини катта ҳурмат билан тилга оладилар.

Очил ака Наврўзов бугун 80 ёшга кирдилар. У киши ҳали тетик, маорифчиларнинг устози сифатида ҳозирги давр халқ таълими олдида турган муаммолар, уларнинг ечими тўғрисида қимматли маслаҳатларини берадилар.

**Ўткир ПЎЛАТОВ**

## ЁШ БАНКИРЛАР АНЖУМАНИ

**Мамлакатимизнинг барча иқтисодий соҳалари ва банк тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда юқори малакали кадрлар асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис Ўзбекистон банклари Ассоциацияси банк мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор билан қарамоқда.**

**Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 427-сонли Қарорига мувофиқ, банк мутахассисларини тайёрлашнинг бошланғич босқичини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз бўйича 39 та ихтисослаштирилган банк синфларини ташкил этган эди. Мазкур синфлар банк соҳасини эгаллашга қизиқиши кучли бўлган қобилиятли, иқтидорли ўқувчиларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришга имкон беради. Уч йил мобайнида ушбу синфларни 2672 нафар ўқувчи муваффақиятли тугатиб, олий ўқув юртларида таълим олмоқдалар. Бугунги кунда эса мазкур синфларда 2130 нафар ўқувчилар таҳсил олмоқда.**

**Жаҳон ва миллий банк-молия амалиётининг ютуқ ва тажрибалари билан таништириш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ихтисослаштирилган банк синфлари аълочи ўқувчиларининг XI анжуманини ўтказди. Анжуманда ўқувчилар билан биргаликда ўқитувчилар, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси бош директори муовини Ж.Асриддинов, Халқ таълими вазирлиги умумий ва ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғининг муовини Ш.Пўлатов, "Умид" жамғармаси ўқув ишлари бўйича директор муовини вазифасини бажарувчи И.Исмоилов, Банк-молия академияси кафедра мудири, профессор М.Йўлдошев ва бошқалар қатнашиб, йиғилганларга банк соҳасидаги қизиқарли маълумотлар, янгиликлар, хорижий давлатларда, хусусан, банк соҳаси анча ривожланган Японияда банк иши тажрибалари, тараққиёти ҳақидаги фикрларини ўртоқлашдилар ва ўқувчиларни қизиқтирган турли саволларга жавоб бердилар.**

**Анжуман жонли ва қизиқарли мунозара тариқасида ўтди. Ўқувчилар янги билимларга эга бўлиш билан биргаликда ўзларининг келгусидаги истиқболларини янада аниқлаштириб олдилар.**

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## КЎНГИЛЛАРГА ТАШРИФ

**Bayram tadbirlari**

**Наврўз нафақат табиатга, балки кўнгилларга ҳам ташриф буюради. Бу хонадонларда, маҳаллаю гузарларда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, таълим даргоҳларида бўлиб ўтадиган тадбирларда яққол сезилади. Ким-ким билан учрашмасин, юзида табассум ва албатта қутлов. Тилаклар бир чимдим, бир оғиз бўлса-да, унга энг яхши ниятлар жойланади: тинчлик, тан-сиҳатлиги ва хотиржамлик.**

**Қуйида мамлакатимизнинг айрим олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлиб ўтаётган Наврўз тадбирлари ҳақидаги лавҳаларни ўқийсиз.**

* * *

Жанубий вилоятларда бодомнинг февраль ойидаёқ гуллаши рост. Бу эса Қашқадарё ва Сурхондарёга баҳор энг аввал келишидан даракдир.

Бугун Қарши Давлат университети ҳовлиси шиору қутловларга ва безакларга кўмилган. Талабалар ўз устозларини, ўқитувчилар эса ёшларни қутлайди. 40 та кафедрага уюшган 300 дан зиёд устоз-мураббийлар, минглаб талабалар ана шу ҳисга ошнодир.

Дарвоқе, бундан бир ой муқаддам бу ерда "Қариялар чойхонаси" очилган эди. Бугун чойхона ўз меҳмонларини, яъни бу даргоҳда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фахрийларни бир пиёла чойга таклиф қилади.

Байрамни ҳар бир факультет ўзига хос тартибда ва кўринишда нишонлайди. Филологлар шеър, достон, интермедиялар ижро этиб, ўз қобилиятларини намойиш этишса, тарихчилар Наврўз тарихи ҳақида чиқишлар қилишади. Жисмоний тарбия ва спорт факультети талабалари эса мусобақага ишқибоз. Биология, география факультетлари жамоаси Наврўз неъматларига тасанно айтадилар ва сумалак тайёрлашади.

Тадбирни ўтказиш режасига кўра талабалар ўртасидаги танловларнинг якуний хулосаси чиқарилади. Университет ректори раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳар бир факультет, ҳар қайси босқич талабалари ўртасидаги танловларга турли эсдалик совғалари, пул мукофотлари ажратади.

* * *

Тошкент Молия институтининг байрамни нишонлаш тартибида "Намунали талабалар уйи"ни аниқлаш кўрсатилган. Бундай тадбирни эса шошма-шошарлик билан бир кунда наридан-бери ўтказиш мумкин эмас. Танловга камида бир ой аввал тараддуд бошланиши лозим ва шундай қилинди ҳам. Институт ҳисобида 3 та талабалар уйи мавжуд бўлиб, кундузги бўлимда 3 минг нафар талаба таҳсил олади. Шулардан маълум қисми талабалар уйида истиқомат қилади. Хўш, намунали талабалар уйи қандай бўлиши керак?

Коридор ва хоналар тоза, саранжом-саришта бўлиши биринчи шарт. Ҳовли атрофидаги дарахтларга ишлов берилган, гул кўчатлари ўтказилган, супириб-сидирилган бўлиши керак.

Байрам ҳар хил кўрик-танловлар шаклида давом этади; Наврўз таомлари дастурхони, "Молиячи" ансамбли бадиий ҳаваскорларининг куй-қўшиқлари, спорт ишқибозларининг футбол, миллий кураш, стол тенниси, шахмат-шашка мусобақалари.

Натижалар ҳақида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, институт касаба уюшмаси ва ректорат якдил хулоса чиқаради. Белгиланган ўринларнинг совринлари бор.

* * *

Боёвут қишлоқ хўжалик коллежида куни кеча баҳор таоми — сумалак тортилди ва унга қўл урилганда, "Омонлик-сомонлик, кўрмайлик ёмонлик" дея дуои фотиҳа қилинди. Қишдан чиқиб, баҳорга етган дамларни қарияларимиз "илик узилди пайт" дейишади. Бундай кезда сумалак энг яхши дармондоридир.

3 та гуруҳга бўлинган коллеж талабалари рамзий маънодаги Баҳорой ва Деҳқонбобо билан дийдорлашдилар. Бу сиймолар билан учрашиш замирида теран ҳикмат мужассам. Диёримизга хуш нафаси ва ифори ила қадам қўйган Наврўз қут-барака келтирсин.

Коллеж талаба ва ўқитувчилари, ишлаб чиқариш усталарини Деҳқонбобо қутлади. Карнай-сурнай, куй-қўшиқ, беғараз мусобақалар, мазали, хушхўр, витаминга бой кўклам таомларидан диллар яйради.

Талабалар ўртасидаги турли танловларга тумандаги "Янги аср" фермер хўжалиги ҳомийлик кўрсатди.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

## ҚАЛБЛАРИ ЯҚИН ХАЛҚЛАРНИНГ БАЙРАМЛАРИ БИР

*Халқимизнинг азалий байрамларидан бири — Наврўзи олам арафасида пойтахтнинг 246-мактабида зукко ўқувчилар мусобақаси ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан келган 10 дан ортиқ ўрта мактабларнинг 6—7-синф ўқувчилари иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, билимлар беллашувида ўтказилган олдинги босқичларда ғолиб чиқиб, якуний мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги 107, Ҳамза туманидаги 307, Мирзо Улуғбек туманидаги 210, Юнусобод туманидаги 246 ва Собир Раҳимов туманидаги 191-мактаб жамоалари ўзаро беллашдилар. Мусобақаларда ўқувчилар ўзларининг кўҳна ва ҳамиша навқирон Миср давлати тарихи, маданияти, илм-фани,*



*мисрликлар урф-одати, расм-русумлари, Ўзбекистон-Миср муносабатлари ҳақида муфассал билимга эга эканликларини намойиш этдилар.*

*Ўқувчилар томонидан Миср миллий кийимларида ўқилган шеър, ижро этилган рақс ва қўшиқлар танловга ўзгача шукуҳ бахш этди. Ниҳоят, узоқ мунозара ва мушоҳадалардан сўнг танлов натижаси эълон қилинди. Шундай қилиб, ушбу ажойиб танловда 1-ўрин А.Икромов туманидаги 107-мактабнинг Я.Дьянкова раҳбарлигидаги ўқувчиларига насиб этди. Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактабнинг В.Похомова раҳбарлигидаги ўқувчилари 2-ўринни, Ҳамза туманидаги 307-мактаб ва Юнусобод туманидаги 246-мактаблар эса ўзаро 3-ўринни бўлишиб оладиган бўлдилар.*

*Ғолибларни Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси раҳбари, Миср элчихонасининг ОАВ бўйича маслаҳатчиси Раъфат Ас-Сабъа қутлади.*

**Суратда: ушбу беллашувдан лавҳа акс этган.**

**МУХБИРИМИЗ**

## ЯНГИ ИЛМ МАСКАНИДА БИЛИМ ОЛАЯПМАН

**Dil izhori**

*Биз таълим олаётган Қорақалпоғистон Давлат университети қошидаги Бўстон академик лицейи меъморчилигимизнинг энг сўнгги андозалари асосида барпо этилган бинога эга ажойиб билим масканидир. Насиб қилса, саноқли кунлардан кейин 300 ўринга мўжалланган ётоқхона ҳам фойдаланишга топширилади.*

*Бу ерда аниқ, табиий, ижтимоий—гуманитар ва хорижий филология йўналишларида ўқишни хоҳловчилар учун илғор педагогик технологиялар ёрдамида таълим берилмоқда. Лицейимиз Жанубий Кореядан келтирилган энг янги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Компьютерлар интернет тармоғи билан боғланган.*

*Бундан ташқари ўқув-тарбия жараёнларини жонлантириш мақсадида ташкил этилган тўгараклар ҳам ўқувчилар ихтиёридадир.*

*Барча имкониятларга эга спорт заллари, теннис майдончаси, маънавият хонаси, кутубхона, қироатхона ҳам ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига имкон яратмоқда.*

*Эзгу ва муштарак мақсад йўлида бетиним изланаётган, ўқувчиларга илм-фан сирларини улашаётган Ҳожибой Сабуров, Комилжон Қозоқов, Агзира Маханова, Зарафшон Саъдуллаева, Зайнаб Абдуллаева, Зулфия Болтаева, Бахтиёр Хасанов каби устозларнинг меҳнатлари биз учун қадрлидир.*

**Интизор МУҲАММАД СОБИР қизи,**
**лицей ўқувчиси**

## ТАҚДИМОТ

*Яқинда Ўзбек Миллий Академик драма театри саҳнасида Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда "Ўзбек тили маркази" ҳамкорлигида "Мерос" урф-одатлар театри томонидан саҳналаштирилган муаллиф Инобат Турсунованинг "Заҳарли томчи" драмаси тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

*Асар бош режиссёри Қаҳрамон Саъдуллаевдир. Драма ҳозирги кунда жамиятимизнинг оғриқ нуқталарига айланиб қолаётган — ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг кенг тарқалиб бораётганлиги, кўплаб ўсмирларнинг умри бевақт хазон бўлаётганлиги, оилаларнинг бузилиб кетиши ва бунинг натижасида ногирон фарзандларнинг дунёга келиши каби салбий ҳолатларни акс эттиради.*

*Шунингдек, драмада ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан эътиборсизлиги сабабли уларнинг турли қинғир йўлларга кириб қолаётганлиги, қариндошларнинг ўзаро қуда-андачилиги оқибатида ногирон фарзандларнинг дунёга келаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади.*

**Жамшид ШАРИПОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Жиззах вилояти Фориш тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Т.КЕНГАШЕВдан***

**САВОЛ: ИХТА хонаси учун энг кам иш ҳақининг 25% миқдордаги ҳақ, ҳар бир ишлайдиган ЭҲМ учун тўланадиган энг кам иш ҳақининг 5% миқдоридаги ҳақ, ҳар бир соат дарсга ЭҲМнинг зарари учун тўланадиган энг кам иш ҳақининг 12% миқдоридаги ҳақ бекор қилинган деб тўланмаяпти. Шу тўғрими?**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1997 йил 29 августдаги № 223-1 сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 йил 20 август 409-сонли Қарорини бажариш мақсадида барча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги олий ўқув юртлари ректорлари, ўрта махсус ўқув юртлари директорлари, гимназия, лицей-интернат раҳбарларига Қарорни дастуриламал этиб, бажариш учун қабул қилиниши ҳақида хат юборган. Шу асосда 1- ва 2-саволингиздаги 1-қисмида кўтарилган масала бўйича ҳақ тўланиши керак, бироқ 2-саволнинг 2-қисми бўйича Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 17.06.96 йилдаги 770/04-2 тушунтириш хати орқали, 1 апрель 1996 йилдан ноқулай меҳнат шароити учун (информатика ва ҳисоблаш машиналарида ишловчи ўқитувчиларга) қўшимча ҳақ тўланиши бекор қилинди.

***Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 4-курс талабаларидан***

**САВОЛ: Рейтинг бўйича энг юқори балл (86-100) —1,0; (71-85)-0,75; (55-70) - 0,5 бўйича стипендия тўлаш белгиланган эди. Лекин бизнинг ўқув юртимизда талабалар ҳанузгача эски тартиб бўйича стипендия олишяпти. Шу тўғрими?**

ЖАВОБ: 2001 йил 17 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида"ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Молия вазирлиги биргаликда стипендия тўлаш тартиби бўйича Низом ишлаб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этган. Адлия вазирлиги бу Низомни тасдиқлагач, ўша асосда стипендия тўлана бошлайди.

***Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани халқ таълими бўлими назоратчиси Т.САПАРОВдан***

**САВОЛ: "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони учун менга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида пул қўшиб тўланади. Ундан даромад солиғи олинадими?**

ЖАВОБ: "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони учун Сизнинг олаётган иш ҳақингизга энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўланар экан. Демак, умумий олинаётган иш ҳақингиздан даромад солиғи олинади.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси**

*Сўнгги вақтларда табиий фанлар, айниқса, физика, математика, кимё, информатика фанларига қизиқиш ўқитувчилар орасида ҳам, ўқувчилар орасида ҳам ортиб бормоқда.*

*Асосийси, муаллима Наврўз байрами мустақиллик йилларида тамоман бошқача маъно касб этгани, удум ва қадриятларимиз эъзоз топаётганига урғу бериб ўтди.*

Bir soatlik dars

# ЭШИКНИ ЧЕРТМОҚДА НАВРЎЗИ ОЛАМ!

Оқ ёмғир тўкилар — ҳаётнинг суйи,
Қизғалдоқ ийманиб қилади салом,
Ё рақиб! Мен бугун сени ҳам суйдим —
Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!

Яшнаган дашт қадар кенгайди бағрим,
Атак-чечак бўлди бойчечак — болам.
Бир лахтак қор каби эриди қаҳрим...
Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!

Туркулар куйлашиб, турналар қайтди,
Қанотлари қоғоз, чумдуги — қалам,
Турналар қатори энг гўзал байтдир:
"Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!"

Яшадим чиройли кунларни кутиб,
Мени кутиб, кунлар санайди онам...
Онажон, мен келдим! Ёнимда туриб, —
Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактабнинг "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитувчиси Оҳиста Алимованинг Наврўз мавзусига бағишланган бир соатлик очиқ дарси ана шу тарзда бошланди. Ўзига хос оҳанг, ширали овоз билан ўқилган шеър ўқувчилар диққат-эътиборини тортди. Шу усул билан уларнинг фикри дарсга йўналтирилди.

Аслида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанида Наврўзга бағишланган бобни ўрганишга 8-синфда 4 соат (2 соат назарий, 2 соат амалий) вақт ажратилган. Муаллим бугунги дарс — "Наврўз тарихи ва одобномаси" мавзусига ижодий ёндашиб, уни "Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!" деб номлади.

Сўнгра Оҳиста Алимова ўқувчилар эътиборини аввалги мавзу — "Миллий байрам ва анъаналар" юзасидан берилган топшириқларга қаратди. Ўғил-қизлар муаллиманинг саволларига жавоблар бера туриб, истиқлол, баҳор, анъана, удум, қадрият тушунчаларига атрофлича тўхталишди. Шу билан бирга Наврўзи олам ҳақидаги билимларини ўзлари чизган расмлари ёрдамида намоён этдилар. Мунозара давомида ўқувчиларнинг жавоблари ўқитувчи томонидан тўлдирилиб, янада бойитилди.

Янги мавзу: «Эшикни чертмоқда Наврўзи олам!" мавзуси интеллектуал ўйин тарзида давом эттирилди, яъни ўқувчилар "Бинафша", "Бойчечак" гуруҳларига бўлинган ҳолда ўзаро баҳс юритдилар. Баҳс "Наврўз тарихи", "Алломалар сўзлайди", "Наврўз таомлари", "Зукколар баҳси", "Наврўзи олам аломатлари", "Тақдирлаш" сингари босқичларда олиб борилди.

Биринчи босқичда ўқувчилар Наврўз тарихига батафсил тўхталишди. Чунончи, бутун Марказий Осиё ва Эронда қадимги Шамс(Қуёш) йили ҳисобига кўра 21 мартда Наврўз байрами ўтказиб келинган. У форсча сўз бўлиб "Янги кун" деган маънога эга. Бундан 7 минг йил муқаддам Эрон ва Марказий Осиёда амал қилина бошланган қуёш календари билан боғлиқ бу байрам эрамиздан аввалги X-IX асрларда нишонлана бошланган дейишиб, бу байрам тарихига оид кўплаб мисоллар келтиришди.

Дарҳақиқат, момоларимиз ҳам сумалакни Наврўзнинг тотли овқати, илк кўклам даракчиси, табиатнинг мангулигини ифодаловчи, ҳаётнинг узлуксизлигини ўзида мужассамлаштирувчи рамзий таом ҳисоблаганлар. Уни биринчи ялаётганда энг яхши тилакларни дилга туюшган.

Зукколар баҳсида "Бойчечак", "Бинафша" гуруҳлари аъзолари юқорида тилга олинган ҳақиқатни дилларига туккан ҳолда навбати билан бир-бирларига Наврўзга оид саволлар беришди. Ўқувчилар жавоб бериш асносида кўчат экиш, Наврўз сайли, неъматлари билан боғлиқ ривоятлар келтиришди, ҳадислар айтишди:

— Ўтмишдаги юзлаб шоирлар ўз ғазаллари ва достонларида Наврўз шаънига мадҳия ўқиганлар. Ҳатто Муҳаммад с.а.в. Наврўздан завқланган эдилар. Уларга ширинлик келтиришганда: "Бу нима?" деб сўрадилар. "Наврўз" (неъмати) дейишди. Шунда пайғамбаримиз "Биз учун ҳар куни Наврўз бўлсин!" дедилар.



Иккинчи босқичда улар буюк алломалар — Абу Райҳон Беруний, Умар Ҳайём, Рабғузий, Алишер Навоий, Абулқосим Фирдавсийларнинг Наврўз байрами нишонланиши билан боғлиқ фикрларини келтирдилар. Бу айём улуғлаб ёзилган шеърларни ёд айтдилар.

Дарснинг "Наврўз таомлари" босқичида ўқувчилар янада фаоллашишди. Ўғил-қизлар баҳорий таомлардан сумалак, ҳалим, кўк сомсаларни тайёрлаш, шунингдек, сумалак баҳона қариялар ҳолидан хабар олиш, ҳашар уюштириш, ҳар хил кўчатлар ўтқазиш сингари тадбирлар, ибратли ишлар авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб, анъанага айланиб улгурганини ва булар Наврўз одобномасига киришини тўлқинланиб гапиришди. Айниқса, улар дошқозонларда пишадиган сумалак, сумалакхўрликни болаларча соддалик, беғуборлик билан тилга олишди.

Ҳа, биз учун ҳар куни Наврўз бўлсин! Наврўз бу умумхалқ байрами, байрамга эса ҳар хил томошалар, ўйинлар ярашади. Чунончи, баҳс давомида байрам кунлари ўйналадиган, баҳслашиладиган кураш, варрак учириш, кўпкари, ёғоч оёқда юриш каби миллий ўйинлар хусусиятлари ҳам таърифланди.

Дарснинг "Наврўз аломатлари" шартида барча аломатлар изланди. Чунончи, Наврўзи олам ҳафтанинг қайси куни кирса, табиатда ва одамларнинг ҳаётида қандай воқеалар юз бериши, дала ва боғлардаги ҳосиллар қандай бўлиши, турналар баланд учса, баҳор узоқроқ давом этиши, Наврўз аввали серёғин келса, экинлар зироатли бўлиши, кўлмакларда пуфакчалар пайдо бўлса, ёмғир тез тиниши, қалдирғочлар пастлаб учса, ҳавонинг авзойи бузилишини айтиб бердилар. Зеро, деҳқонлар ҳам ана шу каби аломатларга қараб, йил режасини белгилашади.

Баҳслашувлар якунида кучлар тенг келиб қолгани маълум бўлди. Баҳсларда ўқувчилардан Севара Абдуғаниева, Нафиса Пирматова, Жамолиддин Алимахсумов, Нодирбек Ҳакимов, Малика Ҳакимова, Иқболхон Шукуровалар фаол қатнашганлиги қайд этилди. Совринли ўрин эса байрам муносабати билан чиқарилган "Ассалом, Наврўзи олам!" ("Бойчечак" гуруҳи), "Баҳор соғинчи ва севинчи" ("Бинафша" гуруҳи) деб номланган деворий газеталар дизайни, мазмунига қараб аниқланди. Экспертлар "Бойчечак" гуруҳи газетаси безалишида ранг-баранглик таъминланган, деган хулосага келишди.

Дарснинг тақдирлаш босқичида гуруҳлар аъзолари ўзлари чизган суратларни бир-бирларига совға сифатида тақдим этдилар. Зотан, бундай совғалар ўқувчилар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаб бориши, шубҳасиздир.

Дарс якунида Оҳиста Алимова "Наврўз тарихи ва одобномаси" ҳақидаги фикрларни умумлаштирди. Асосийси, муаллима Наврўз байрами мустақиллик йилларида тамоман бошқача маъно касб этгани, удум ва қадриятларимиз эъзоз топаётганига урғу бериб ўтди. Сўнгра уй вазифалари берилди. Дарс "Баҳор вальси" куйи жўрлигидаги шеър билан якун топди.

— Ўқитувчи дарсда ўқувчиларга миллий қадриятлар, миллий удум, урф-одатлар ва анъаналар руҳини сингдиришни, шу билан бирга ўғил-қизларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришни кўзлаган эди, — деди мактаб директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Шаҳноза Иноятова — Чамамда, муаллима дарсда ўқувчилар онгига "Наврўз тарихи ва одобномаси"га оид тушунчаларни жойлабгина қолмай, балки уларни асосий мисоллар, шеърий мисралар орқали мустаҳкамлай билди.

Дарҳақиқат, бизнингча ҳам шундай.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

***Суратда: "Наврўз тарихи ва одобномаси" мавзусидаги очиқ дарс қизғин мунозаралар остида ўтаётир.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

---

Yangicha ish usuli

**Шаҳрихон туман халқ таълими бўлимининг услубий маркази ташаббуси билан "Тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида физика фанидан дастлабки тушунчаларни сингдириб бориш орқали физик билимлар узлуксизлигини таъминлаш" дастури ишлаб чиқилди. Айни пайтда дастур асосида амалиёт билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу дастур асосида тумандаги 12-ўрта мактабда шу мактабнинг физика фани ўқитувчиси А.Бойматова иш тажрибаси асосида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида физика фанидан дастлабки тушунчаларни сингдириб бориш орқали физик билимлар беришдаги узлуксизликни таъминлаш мақсадида тажриба-синов Маркази ташкил этилди.**

**Бугунги кунда дастлабки ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Чунончи, бошланғич синф ўқувчилари синфдан ташқари машғулотларда содда физик асбоблар — ёғочдан метр, қоғоздан соат, идишлардан суюқлик ҳажмини ўлчайдиган идишларни ясамоқдалар.**

## МАКТАБДА МАРКАЗ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА

**Шунингдек, ўқув йилининг ҳар чорагида Марказ ишининг мониторинги чиқарилмоқда. Шу асосда келгусидаги ишлар режалаштирилаётир. 12-мактабда ўрганилган дастлабки тажриба-синов ишлари якуни шуни кўрсатмоқдаки, бошланғич синфларда ўқувчиларга дастлабки физик тушунчалар берилиши фанлараро боғланишни, табиат сирларини ўрганишда ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини, дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда физик тушунчаларнинг сингдирилишига эътиборнинг кучайтирилиши эса ўқувчиларнинг у ёки бу фанларни ўзлаштиришларини янада яхшилади.**

**Р. МАТБОБОЕВ,**
**Шаҳрихон туманидаги 12-мактаб директори**

---

# БУЮК ФИЗИКЛАР ИШТИРОКИДАГИ ДАРС

***Сўнгги вақтларда бутун республика бўйлаб бир жараён кузатилмоқда — табиий фанлар, айниқса, физика, математика, кимё, информатика фанларига қизиқиш ўқитувчилар орасида ҳам, ўқувчилар орасида ҳам ортиб бормоқда. Бу борада мазкур фанларни ноанъанавий тарзда ўтказилган дарслар ёрдамида ўқитиш муҳим аҳамиятга эгадир.***

***Қуйида эътиборингизга ЎзДЖТУ қошидаги А.Икромов академик лицейида ўқитувчи Матлуба Миртурсунова томонидан физика дарсларида янги педагогик технологиялар ёрдамида иқтидорли ўқувчиларни аниқлашга бағишлаб ўтказилган дарс ишланмаси ҳавола этилмоқда.***

**1. Дарсни ташкил этиш.**
**2. Асосий қисм.**
**Ўқувчиларни бугунги ўтказилаётган ноанъанавий дарс мавзуси, шартлари ва баҳолаш тартиби билан таништириш.**
**Мавзу:**

**ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ**

**3.Дарс мақсадлари**

**а) таълимий** — ўқувчиларнинг физика фанига бўлган қизиқишларини ошириш. Уларда физика қонунлари асосида табиатда содир бўладиган жараёнлар, генераторлар ёрдамида электр токини ишлаб чиқариш, радиотехника соҳасидаги янгиликлар, айниқса, энг арзон ва экологик жиҳатдан тоза бўлган Қуёш энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги тушунчаларини шакллантириб бориш.

**б) тарбиявий** — ўқувчилар эътиборини экологияга зарар етказмасликка қаратиш, шу билан бирга, Ватанимизни иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришга ҳисса қўшишларини шакллантириб бориш.

**в) ривожлантирувчи** — ўқувчиларни олдинги дарслар, оптика соҳасида қилинаётган ишлар, магнит майдони ёрдамида ғалтакда ток ҳосил бўлиш сабаблари, ўтказгичларнинг қаршиликларини аниқлаш, тожли ва попук разрядларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ва уларнинг қонуниятларидан олган билимларини муаммоли саволлар орқали такрорлаб бориб, жавобларини изоҳлаш ва баҳолаш.

**4. Дарснинг бориши**

Кириш қисмида мустақил Ўзбекистон шароитида физика фанининг тараққиёти ҳақида қисқача сўз юритилиши, ўқувчиларга экологик жиҳатдан тоза Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг энг самарали йўллари республикамиз физик олимлари саъй-ҳаракатлари билан 1970 йилларда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Қуёш нури" станцияси мисолида тушунтириб берилади.

Бундан ташқари, ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин турли мамлакатлар билан, жумладан, Жанубий Корея Республикаси таълим тизими мутахассис олимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар ҳақида гапириб, дарс янги педагогик технологиялар воситасида ноанъанавий услубда олиб борилишини эслатиб ўтади.

Дарс бошланишидан олдин ўқитувчи 10 та стол ажратиб, уларга фанга оид асбобларни қўяди. Ҳар бир стол ёнида биттадан ўқувчи ўтириб, улар эксперт вазифасини бажаради. Столлар рақамланган бўлади. Ўқитувчи ўзининг столида 10 та рақамланган карточка тайёрлаб қўяди. Иштирокчилар учун хона ўртасида бир неча стол бирлаштирилиб, 10 та жой тайёрлаб қўйилади. (Столни оқ дастурхон ва бир нечта вазаларда гуллар билан безатиш мумкин).

Ўқувчилар синф хонага кириб, ўз ўринларини эгаллашларидан олдин ўқитувчининг столи устидаги номерланган карточкадан биттадан олишади ва шу номерли стол ёнига бориб ундаги асбобларни навбат билан ишлатиб кўрсатади, тажрибани тушунтириб, қандай физик ҳодисага асосланган эканлигини изоҳлаб беради. Сўнгра хона ўртасидаги жойга ўтиради. Қолган 9 қатнашчи ҳам навбат билан тажрибалар кўрсатишади. Шу тариқа 10 нафар ўқувчи ўз жойларига ўтиришгач, сўз экспертларга берилади. Эксперт-ўқувчилар гуруҳдошларининг жавобларини изоҳлаб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беришади. Кейин ҳар бир эксперт ўзининг столига келиб жавоб берган ўқувчига балини эшиттиради. Биринчи тур саралаш босқичи тугагач, бугунги ноанъанавий дарсга ташриф буюрган буюк олимлар таклиф этилади. Дарсга таклиф этилган Исаак Ньютон, Майкл Фарадей, Шарль Кулон ва Андре Мари Ампер қиёфасидаги ўқувчиларга сўз берилади.

**Исаак Ньютон:**

— Мен инглиз физиги Исаак Ньютон 1643 йилда Грантем шаҳри яқинидаги Вулсторп қишлоғида фермер оиласида туғилдим.

Sinab ko'ring

Мен физиканинг математик асослари — дифференциал ва интеграл ҳисобини яратдим. Бутун олам тортишиш қонунини кашф этдим, кўзгу, телескоплар ихтиро қилинишига оид ишлар қилдим. Ёруғлик дисперсиясини кузатдим (ўқувчи Қуёш системасининг тузилишига оид асбобни ва спектроскопни ишлатиб, кузатилаётган тажрибани изоҳлаб беради).

Механика қонунларини ишлаб чиқишда турли тадқиқотлар олиб бордим. Р.Гук билан узоқ мунозара ва бахслашувлардан кейин ёруғлик ҳақидаги корпускуляр ва тўлқин тасаввурларни ўз ичига олувчи гипотезани яратдим.

Мен яратган тадқиқотлар келажак авлоднинг бахт-саодати учун хизмат қилишига ишонаман. Эътиборингиз учун раҳмат!



**Майкл Фарадей:**

— Мен инглиз физиги Майкл Фарадей 1791 йил темирчи оиласида туғилдим. Камбағаллигимиз туфайли фақат бошланғич мактабни тугатиб, сўнгра бутун умр мустақил ўқиш билан шуғулландим. 1813 йилда мени Қироллик институтига ишга олишди. 1827 йилда шу институтнинг профессори бўлдим. Мен биринчи бўлиб электр ва магнит майдонлари тўғрисидаги таълимотга асос солдим. 1821 йили дунёда биринчи электр двигателини яратдим. Шунингдек, электролизнинг асосий қонунларини очдим. Бугун мен сизларга магнитизмни қандай қилиб электрга айлантирганимни кўрсатиб бермоқчиман. (Ғалтаклар, магнит ва гальвамометр ёрдамида магнит майдон таъсирида электр токи ҳосил бўлишини кўрсатади ва тажрибада ток ҳосил бўлиш сабабларини изоҳлаб беради).

Менинг кашфиётларим инсоният тарихида кескин бурилишлар ҳосил қилишига ишонаман. Эътиборингиз учун раҳмат!

**Шарль Огюстен Кулон:**

— Мен француз физиги Шарль Кулон Ангулем шаҳрида туғилдим. 1772 йилда Францияда сув иншооти инженери бўлиб ишладим. Шу билан биргаликда ишқаланиш, буралиш ва материаллар қаршилиги масалалари билан қизиқдим.

Қатор илмий ишларим эълон қилингандан кейин 1781 йилда Париж Фанлар академиясининг аъзоси бўлиб сайландим.

Ўзим ясаган бурама тарозилардан фойдаланиб, бир ишорали ва ҳар хил ишорали нуқтавий электр зарядларнинг ўзаро таъсирини батафсил текширдим. Мана, олдимда шу тажрибалар амалга оширилган қурилма турибди. Ҳозир мен зарядланган шарчалар орасидаги ўзаро таъсир кучи нималарга боғлиқ бўлишини кўрсатиб бераман. (Ўқувчи Кулон қонунини ўрганиш учун мўлжалланган қурилма ёрдамида тажриба кўрсатади ва изоҳлайди).

Мендан кейин замондошларим менинг тадқиқотларимни давом эттиришларига ва янада самарали натижаларга эришишларига ишонаман. Эътиборингиз учун раҳмат!

**Андре Мари Ампер:**

— Мен француз физиги ва математиги Андре Мари Ампер 1775 йилда Лион шаҳрида туғилдим. Мен электродинамиканинг асосчиларидан бири бўламан. 1820 йилда Х.К.Эрстед электр токининг магнит стрелкасига таъсирини кашф этгандан кейин, мен ток таъсирида магнит стрелкасининг оғиш йўналишини аниқлайдиган тадқиқотлар ўтказдим. Шундан сўнг электр токларининг ўзаро механик таъсирини кашф этдим. Ёпиқ занжирдаги ток йўналишини аниқладим. Параллел ўтказгичлардан ўтаётган ток бир томонга йўналган бўлса, бу ўтказгичлар бир-бирини тортишини, қарама-қарши томонга йўналганда бир-бирини итаришини аниқладим.

Бугун мен сизларга магнит майдондаги ўтказгичнинг айрим қисмига магнит майдон томонидан таъсир этувчи кучнинг қандай аниқланишини кўрсатмоқчиман. (Ўқувчи Ампер қонуни (токли ўтказгичга магнит майдон таъсири)ни ўрганишга оид асбоб билан тажриба кўрсатади).

Азиз ўқувчилар, физика фанини қунт билан ўрганинг. Шунда биз очолмаган ёки амалга оширишга улгуролмаган табиат қонунларини сиз, албатта, кашф этасиз. Эътиборингиз учун раҳмат!

Ўқувчиларнинг чиқишлари тугагач, биринчи босқичда юқори балл олган қатнашчилардан 5 нафари иккинчи босқичга танлаб олинади.

* * *

Ўқитувчи ўқувчиларни иккинчи босқич шартлари билан таништиради. Доскага 3 та кўргазмали восита осилган бўлиб, ўртадаги кўргазмада катта олма дарахти, икки четдаги кўргазмаларда физикадан викторина саволлари тасвирланган. Олма дарахтининг илдизларига Эйнштейн, Резерфорд, Ньютон, Ампер — деб ёзилган. Дарахт 4 та катта шохлардан иборат бўлиб, бу шохларнинг бирига электр, иккинчисига оптика, учинчисига механика, тўртинчисига атом физикаси деб ёзилган. Ҳар бир катта шохга 5 ёки 6 тадан олмалар осилган бўлиб, ҳар бир бўлимдаги олмалар бир-биридан ранги билан фарқ қилади. Масалан, механика шохидаги олмалар яшил рангда, электр шохидагилар оч қизил, оптика шохидаги олмалар сариқ, атом физикаси деб номланган шохдаги олмалар тўқ қизил рангга бўялади. Бу олмаларни шохларга шундай ёпиштириш кераккки, ҳар бир олмани кўтарганда тагида ёзилган формулалар кўринадиган бўлсин. Олмалар тагида шохлар бўлимларига тегишли формулалар ёзилган бўлади. Олма дарахтининг икки томонидаги викториналарнинг бири молекуляр физика бўлимига тегишли бўлиб, иккинчиси тебраниш ва тўлқинлар, оптика ва атом физикасидан саволларни ўз ичига олган. Викторинадаги ҳамма саволлар расм тарзида берилган бўлиб, ўқувчилар шу расмлардаги қонуниятни ва бу қонун ким томондан кашф этилганини, шу расмли саволга тегишли формулаларни айтиб беришлари керак бўлади.

2-турда қатнашаётган 5 нафар ўқувчи доскага осилган 3 та кўргазмали воситадаги саволларга биттадан, жами ҳар бири 3 тадан саволга жавоб беришлари лозим. Уларнинг жавоблари эшитилгач, сўз эксперт-ўқувчиларга берилади. Экспертлар балларни эълон қилиб, 1,2,3-ўрин олган ўқувчиларни аниқлаб беришади. Агар биринчи ёки иккинчи ўринга даъвогарлар икки киши бўлиб қолса, яъни икки ўқувчининг тўплаган баллари тенглашиб қолса, уларга ўқитувчи томонидан савол берилади. Шу охирги саволга тўлиқ жавоб берган ўқувчига юқори ўрин берилади.

1, 2 ва 3-ўрин соҳибларига мукофот топширилгач, ўқитувчи дарс қатнашчиларига бугунги иштироклари, кўрсатган қизиқарли тажриба ва доно жавоблари учун миннатдорчилик билдириб, ўқишларига муваффақият тилайди. Шу асосда дарс якунланади.

**Раъно МАҲКАМОВА**




**Суратларда: тажрибали педагог Матлуба Миртурсунованинг дарсидан лавҳалар акс этган.**

*Сумалакни ҳамма яхши тилаклар, эзгу ниятлар ила кўзғайди. Наврўз байрами куни тайёрланган сумалак "Наврўз сумалак" деб аталади.*

*Аёл эса бешик тебратиб алла айтади: "Бешигингга бахмал ёпай, эрка болам, алла-ё...".*



"Navro'z — boqiy bayram" tanloviga

# БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

**Наврўз асрлар оша яшаб келаётган бир қанча удум, урф-одат ва маросимларни ўзида жамлаган байрам ўларок кўҳна маданиятимизнинг устунларидан биридир. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Наврўз билан боғлиқ барча удум ва тадбирлар Шарққа, жумладан, миллатимизга хос жамоавийлик руҳига асосланган. Наврўз кунигача ўтказиладиган тадбирлар — мозорлар, кўчалар, сайилгоҳларни тартибга келтириш, байрам таомлари, жумладан, сумалак пиширишга ҳозирланиш, деҳқончилик-зироатчилик тадбирларига тадорик, байрам куни қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-қишлоқдошлар, хусусан, беморлар ҳолидан хабар олиш, биргаликда байрам-сайилларда иштирок этиш каби миллий қадриятларимизга хос удумлар буни тасдиқлайди. Байрам кишилар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаган.**

**21 март — кўҳна Шарқ тақвими бўйича йилнинг биринчи куни, йил боши. Ушбу ҳодиса билан боғлиқ "Йилбоши" маросими республикамизнинг кўпгина вилоятларида ҳозиргача ўтказилиб келинади. Мисол учун, Самарқанд вилоятининг тоғ ва дашт қишлоқларида ушбу маросим сақланиб қолган.**

**"Йилбоши" — оммавий тадбир бўлиб, унда барча табақа вакиллари бирдек иштирок этадилар. Хонадонлар имкониятларига қараб турли хил ноз-неъматларни махсус "Йилбоши" учун пиширадилар. Айниқса, кўклам кўкатларидан тайёрланган таомлар дастурхонни безайди. Ҳамма бир жойга йиғилиб, қариялар, эркаклар, аёллар ва болалар алоҳида-алоҳида ўтириб, тенг тақсимланган баҳор неъматларидан баҳраманд бўладилар. Қишлоқ оқсоқоли, маҳалла фаоллари шу куни сайланади. Ижтимоий аҳволи ночор оилалар, бева-бечораларга ёрдамлар уюштирилади. Маслаҳатли тадбирлар, масалан, тўй-маъракаларни ўтказиш тартибларини такомиллаштириш масалалари кенгашиб олинади. "Сайилтепа" деб номланган "Йилбоши" нишонланадиган махсус жойларни кўплаб қишлоқларда учратиш мумкин.**

**"Йилбоши"га моҳиятан яқин "дарвешона" маросими ҳам баъзи жойларда сақланиб қолган. "Йилбоши"да ҳамма уйида таомлар пишириб келса, "дарвешона"да ҳамқишлоқлар пул йиғиб жонлиқ сотиб оладилар ва уни сўйиб, пишириб, биргаликда истеъмол қиладилар. Баъзан жонлиқ бирон-бир эзгу ният йўлида элдан дуо олишни истаган оила томонидан тақдим қилиниши ҳам мумкин. Ўйин-кулгу, кураш, кўпкари ва яна кўплаб спорт мусобақалари уюштирилади. Баъзи жойларда ҳар иккаласини ҳам нишонлаш одати мавжуд.**

**"Қозонтўлди" маросими ҳам "Йилбоши"га ўхшаш, бироқ у деҳқончилик-зироатчилик тадбирлари билан боғлиқ бўлиб, бугунги кунда деярли ўтказилмайди. Наврўздан бир кун олдин ёки Наврўз куни, далага биринчи марта қўш чиқариладиган кунлар ҳар бир оила гўжа пишириб, тонг саҳарда маълум бир жойга ўрнатилган махсус дошқозонга таомларини келтириб қўйганлар. "Қозонтўлди" атамаси шундан келиб чиққан. Тўлган қозондаги гўжани серфарзанд, кайвони бир момо каттаю кичик — барчага тарқатган. Серфарзанд момо танланишига сабаб, аёлларнинг серфарзандлиги далалар ҳосилига ижобий таъсир кўрсатади, деган тушунча бўлган.**

**Наврўз билан боғлиқ удумлар ичида сумалак маросими алоҳида ўрин тутади. Сумалак масаллиқларининг бирқанча оилалардан йиғилиши, уни пишириш жараёнида ҳамманинг бирдек меҳнат қилиши қўни-қўшни, қариндошлараро тотувликнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Кўпчиликнинг улуши қўшилиб, бир қозонда пиширилган таомни тановул қилиш кишиларни бир-бирига яқинлаштиради. Бошқа маросимлардаги каби сумалак маросимида ҳам кексалар ишларга бош-қош, маслаҳатчи бўлишади, ёшлар жамоат ишлари, маъракаларда хизмат қилиш кўникмасини эгаллайдилар ва такомиллаштирадилар. Сумалакни ҳамма яхши тилаклар, эзгу ниятлар ила кўзғайди. Наврўз байрами куни тайёрланган сумалак "Наврўз сумалак" деб аталади.**



**Халқимизнинг тарихий турмуш тарзи, миллий менталитетимизга хос гўзал удумлардан бири ҳашардир. Тарихан Наврўз билан боғлиқ бу ажойиб удум йил бўйи давом этадиган оммавий тадбирга айланган. Ҳашар кўпчилик меҳнатини талаб қиладиган юмушларда амалга оширилади. Мисол учун, маҳалладаги бирон оила йирикроқ қурилиш ишларини бошласа, қўни-қўшни ва қариндош-уруғ, маҳалладошлар ёрдамга келади. Ҳашарчилар қурилиш соҳибидан меҳнатларига ҳақ талаб қилмайдилар. Вақти келганда, улар ҳам шундай кўпчилик меҳнати билан битадиган ишларга қўл урсалар, бошқалар қатори ушбу оила вакили ҳам "ҳашар қилиб" уларга қарашиб юборади. Ҳашар одамлар ўртасидаги бир-бирига ишонч, ўзаро қўллаб-қувватлаш, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди. Баҳор келиши билан деҳқончилик тадбирлари тадориги — дала бўйлари, ариқ-зовурларни тозалаш, янги мавсумга ҳозирлаш ҳам азалдан ҳашар йўли билан амалга оширилиб келган.**

**Кўплаб қадриятларимиз қатори Наврўзимизни ҳам қайтариб берган истиқлол уни янада такомиллаштириб, Наврўзни нишонлашда янги, замонавий урф-одатларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлаётир. Наврўз кунларини ўз ичига олган ободонлаштириш ойликлари ўтказилиши; ҳар бир туман, вилоят марказларида, пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида катта байрам шодиёнаси ўтказилиши, Наврўзга бағишлаб турли кўрик-танловлар уюштирилиши ва бошқа кўплаб тадбирлар Наврўзга давлат миқёсида берилаётган юксак эътибор натижасидир. Байрам шодиёналарида Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг иштирок этиши халқимизга хос бағрикенглик хислатини намоён қилиш билан бирга миллий қадриятларимизга янада кўрк беради.**

**Наврўз билан боғлиқ гўзал удумларимиз, маросим-тадбирларимиз жуда кўп. Уларнинг баъзилари ҳақидагина сўз юритдик, холос. Олам ва одам, табиат ва инсон муштараклигини намоён этувчи боқий қадриятларимиз мавжуд экан, миллатимиз, халқимиз, Наврўзимиз ҳам боқийдир.**

**Хусан КАРВОНЛИ**

# НАВРЎЗ ОДАТЛАРИ

*Тарих ғилдирагини орқага айлантириб, узоқ ўтмишимизга назар ташлар эканмиз, аждодларимиз бўлмиш туркий халқларда баҳорий айёмлар билан боғлиқ анъаналарнинг кенг тарқалганлиги кўзга ташланади. Шарқий Туркистондан тортиб токи Болқонга қадар ёйилган туркий элатларда, минглаб йиллардан бери нишонланиб келаётган Наврўз айёми ҳам шундай анъаналардан биридир.*

*Форс тилидан олинган ва янги кун маъносини англатувчи Наврўз айёми эрамиздан аввалги даврларда маълум бир ҳудудда истиқомат қилган қабилалар орасида мавжуд бўлгани ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Шунингдек, бу байрамнинг қадимги шумерларда, аккадларда, форс давлатларида, Ўрта Осиёда, Туркияда, ҳатто кун фарқи билан Хитой, Япония, Корея каби бир қатор ўлкаларда мавжудлиги туркий қадриятларнинг анчайин кенг ҳудудларда тарқалганлигидан далолатдир.*

*Афсоналарни бир четга суриб, тарихий манбаларга суянганимизда, Қадимги Туркияда, хусусан, турк шоҳ саройларида Наврўз байрами билан боғлиқ айрим одатлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Наврўз айёми қуёш тақвимига асосланган 12 ҳайвон номи билан аталувчи турк тақвимида йилнинг бошланиши сифатида қаралганки, бу анча давр ўз аҳамиятини йўқотмади. Шунингдек, март ойи молиявий йилнинг ҳам бошланиши сифатида эътироф этилиб, ушбу ойда солиқларнинг дастлабки тўловлари олинмаслиги қадимда салжуқийлар ва Усмонийлар давлатида одат тусига кирган эди. Ҳатто буни оққуюнли Узун Ҳасан шоҳ сифатида қонун билан тасдиқлаган эди. Ундан ташқари, Усмонли туркларнинг шоҳ саройида ҳар сана мунажжимлар башоратидан иборат йилнинг янги тақвими подшоҳга, Вазири Аъзамга тақдим этилиб, келгуси йил билан боғлиқ башоратлар қилинган. Турк тақвимига кўра илк йил сичқон номи билан бошланиб, токи маймун йилига қадар давом этади. Улар билан алоқадор бир қанча ривоятлар тўқилган. Башоратлар учун мунажжимларга шоҳ томонидан ҳадялар берилган ва бу ҳам йиллар давомида одат тусига кирган. Буларнинг барчаси Наврўз номини олган. Пазандалар бу кун муносабати билан ширин ва тансиқ таомлар тайёрлашган, шоирлар эса шеърлар битганлар. Девон адабиётида бунинг минглаб мисолларини топишимиз мумкин. "Наврузия" деб номланган ушбу шеърларни шоирлар ҳукмдорларга, вазирларга тақдим этиб, эвазига бир қанча ҳадялар олишган. Бевосита бу анъаналарнинг барчаси Наврўз айёми билан чамбарчас боғлиқдир.*

*Югославиядаги туркий гуруҳларда, жумладан, Гагавуз ва чувашларда, Шарқий Европа туркий гуруҳларида Наврўз айёмидан бир кеча аввал болаларга сариқ тасма (боғич) тақилади ва бу тасма Наврўз тонгида қизил тасма билан алмаштирилади. Ёмонликни, касалликни ифода этувчи сариқ ранг ташланиб, соғликни, саломатликни акс эттирувчи қизил рангдаги тасманинг боғланиши Наврўз билан боғлиқ урф сифатида ҳозиргача сақланиб қолган.*

**Фаррух БЎТАЕВ**

# "БЕШИГИНГГА БАХМАЛ ЁПАЙ, БОЛАЖОН..."

*Ўзбек аёлининг гўзаллигини кўрмоқчи бўлсанг, унинг бешик олдидаги ҳаракатини кузат, дейдилар.*

*Бешик... Уни ким кашф этган? Қачон? Бу саволларга ҳеч ким тўлиқ жавоб беролмайди. Шарқ халқларининг кўплаб кашфиётлари сингари бешик билан боғлиқ маълумотлар ҳам асрлар қаърида ги жумбоқ бўлиб қолаяпти. Билганимиз шуки, бешикнинг тарихи анча узоқларга бориб тақалади.*

*Самарқанд шаҳри тарихи музейи ходимларининг айтишларича, илк бешиклар сақланиб қолинмаганлигига сабаб унинг ёғочдан ясалганлигидадир. Одатда ёғоч буюмлар вақт ўтиши билан чирийди. Аммо худди шу музейда Самарқанд атрофидан топилган IX-X асрларга дахлдор ўғил ва қиз болаларнинг шиша сумаклари бор. Мутахассислар, ўша даврларда шиша маҳсулот ишлаб чиқариш қимматга тушганлиги сабабли, бу ашёлар бадавлат кишилар фарзандларига тегишли бўлган, деб тахмин қилишмоқда.*

*Юқоридаги маълумотга кўра, IX-X асрда ҳам оналар бешик тебратиб алла айтишган. Эҳтимол, бешик бандига кўзмунчоқлар ҳам осиб қўйишгандир...*

*Дарвоқе, бешик нафақат ўзбек халқида, балки Ўрта Осиё халқларининг аксариятида мавжуд бўлган ва ҳамон бор. Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" асарини эсланг. Тожикларда эса бешик "гавора" деб аталади.*

*Йиллар ўтган сайин либослар ўзгарди, уйлар қурилишида янгиликлар бўлди, жиҳозлар ўзгача тус олдию, лекин бешик ҳамон ўша-ўша... Ҳаётимизга болалар аравачалари, каравотчалар кириб келди. Аммо булар-да бешикни турмушимиздан суриб чиқара олмади.*



*Хўш, бешикнинг афзаллиги нимада? Биринчидан, унда ётган боланинг таги қуруқ бўлади. Иккинчидан, бешик устидаги ёпинчиқ, гўдакка халақит бермаган ҳолда уни пашша-чивинлардан асрайди. Учинчидан, бешик ичидаги қоронғулик яхши ухлашга ёрдам беради. Момоларнинг уқтиришларича, бешик кўрпачаси остидаги нўхат пўчоғи солинган қават қоматнинг тик ўсишига ёрдам бераркан. "Фақат бешик тутиш қоидаларига амал қилиниб, бола вақти-вақти билан бешикдан олиниши, бадани енгил уқаланиши лозим", — дейишади кайвони онахонлар.*

*Халқимизнинг бешикка белаш маросими ўзига хос бўлиб, у илк бора жума ёки якшанба кунида амалга оширилади. Болани белайдиган аёл кўпни кўрган, бола-чақалари ўсиб-унган, табаррук саналиши керак. Қизиғи, ана шу кўпни кўрган аёл чақалоқнибир неча марта нотўғри ёткизиб, атрофдагилардан "ўнгми, ўнгми?" дея сўрайверади, бошқалар эса "йўқ, йўқ" дейишаверади... Ва ниҳоят ўнглаб ётқизилади.*

*Гўдак ёстиқчаси остига қўйиладиган тош, ойна ва тароқнинг ҳар бири маълум тилакка ишора. Болани белашгач, бешик дастаси устида ёнғоқ чақилади. Бу "Ота-онаси уришса, қўрқмасин", деган маънони англатади.. Кейин бешик устидан сочқи сочилади. Тўпланган болакайлар қувониб, танга ва ширинликларни териб олишади. Сўнг она бутун нонни тишлайди, болакайларнинг қувроғи уни олиб қочади...*

*Шунингдек, бола бешикка беланган кунда хонадонда бўғирсоқ пиширилиб, қўшниларга, қариндошларга тарқатиш ҳам азалий одатимиз. Бу гўзал удумларимиз бари аёл, Она туфайлидир. Аёл эса бешик тебратиб алла айтади: "Бешигингга бахмал ёпай, эрка болам, алла-ё...".*

**М.ОЛЛОЁРОВА**
**Самарқанд шаҳри**

Yuksak e'tibor

***Гўзал баҳорнинг мана шу тароватли кунларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари аниқланди. Хўш, шу қадар олий эътиборга сазовор бўлган латофатли, гўзал ва билимли ёшларнинг қалбидан айни пайтда нелар кечмоқда? Марҳамат, улар билан танишинг.***

# ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ



**Мастура УМАРОВА, Тошкент Давлат аграр университети аспиранти:**

— Менинг илм-фан соҳасида олиб бораётган изланишларим шу қадар юксак баҳоланганидан бағоят хурсандман. "Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида қаттиқ ва юмшоқ буғдой селекцияси учун бошланғич манбаи яратиш" мавзусидаги ушбу тадқиқотимда қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ғ.Қурбонов раҳбарлигида буғдойнинг жаҳон коллекциясидан Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 140 та намуналарини ўргандим ва изланишларим самараси ўлароқ 12 та илмий мақола ва 1 та рисола чоп этилди. Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг 5-республика илмий-амалий конференциясида ғолиб бўлдим, шунингдек, 2002 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг махсус стипендиати деб топилдим. Мен илмга интилиш ва изланишлар бундай юксак баҳоланадиган юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Унинг ишончларини оқлаш учун бутун кучимни, тафаккуримни беришга тайёрман.

# БАХШ ЭТДИ

**Шоҳида МЎМИНОВА, Жиззах тиббиёт коллежи талабаси:**

— Бундан бир неча кун олдин Тошкентда ўтказилган ёш физиклар, химиклар ва биологларнинг 1-Республика анжуманида иштирок этдим. Унда оқава сувларини сув ўтлари ёрдамида тозалаш мавзусини кўтариб чиқдим ва бу илмий ишим олимлар томонидан анча яхши баҳоланди. Мен биология йўналиши бўйича Жиззах вилоятидан конференцияда иштирок этган ягона қатнашчи бўлдим. Келажакда шифокор бўлишни, шу билан бирга, тиббиёт бўйича илмий изланишлар қилишни ва она-Ватанимнинг ривожига ҳисса қўшиб, халқ саломатлиги йўлида хизмат қилишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бундай юксак эътибор менинг орзуларимга қанот бағишлаяпти.



# СУВ ЯШНАТАДИ, СУВСИЗЛИК ҚАҚШАТАДИ



Tanlov

***Ҳақиқатан ҳам ҳаёт қозонига ёқилган олов — қуёш тафти, ундаги масаллиқни - борлиқни, тирик жонни куйдиради, аммо сув билан табиат жонланади, ҳаёт ниш уради, яшашга ошиқади, куч-қувватга киради. Сув билан ҳаёт жилваланади. Кўчату дов-дарахт, гул сув билан яшнайди, аксинча сувсизлик гулистонни чўлга, гулни чўпга айлантиради.***

***Куни кеча Тошкент шаҳар ХТББда пойтахт мактаблари ўқувчиларининг "Томчи сувда ҳаёт жилваси" танловининг III шаҳар босқичи ўтказилди. Танлов иштирокчилари олиб борган тадқиқот ишларини якунлаб, тайёрлаган 3 та намунали плакатларини, ҳисобот, "Корхонага ташриф" каби шартлар ва у ерда сувга муносабат қандайлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этдилар. Танлов иштирокчиларининг 2 ой давомида қизиқиш билан тадқиқот дафтаридаги вазифаларни бажарганлари, турли жадвалларни тўлдирганлари, схемалар чизабилганлари, тажриба ўтказганлари уларнинг сув муаммосига бефарқ эмасликларини кўрсатиб турибди. Танлов иштирокчиларидан бири — Зиёда Исмоилова билдирган фикр бизга маъқул бўлди.***

***Қадимги юнон файласуфи Афлотун (эрамиздан аввалги V-IV асрлар) ўзининг қонунлар китобида сув тўғрисида шундай деган: "Агар кимки бировнинг булоқ ёки йиғиб қўйган ёмғир сувини ифлос қилса, ўғирласа, жабрланувчи сув назоратчисига мурожаат қилсин, зарар ҳажми аниқлансин, айбдор жарима тўласин, ундан ташқари сув манбаи ёки ҳавзасини тозалаб берсин". Нега ҳозирги кунда сувни исроф қилишларига индамай қараб турамиз? Биз ИИББ ЙҲХТ 2-диагностика бўлимига бориб, корхона бир кунда, бир ойда қанча сув сарфлашини, сувни тежаш учун нима ишлар қилинаётганини, оқова сув қаерга тўпланишини аниқлаliк, таклифларимизни билдирдик.***

***Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзолари қарорига кўра, 1-ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактаб, 2-ўринни Юнусобод туманидаги 274-мактаб ва А.Икромов туманидаги 295-мактаб, 3-ўринни Шайҳонтоҳур тумани 169-мактаб ва С.Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчилари эгалладилар.***

***29-30 мартда РТМда "Томчи сувда ҳаёт жилваси" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтади. 22 март дунёда сувни тежаш куни деб эълон қилингани ва айни шу вақтда бу танловнинг ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга моликдир.***

***P.S. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши албатта яхши натижа беради. Бироқ унда бирон бир ғолибнинг тақдирланмаганидан бизнинг кўнглимиз тўлмади.***

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**




## МАСЪУЛИЯТНИ АНГЛАГАН ҲОЛДА

*Бугунги таълим-тарбия жараёни ўқитувчилар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитувчи бу вазифаларни тўғри, тўла уддалай олиши, жамият ҳаётида юз бераётган ҳар бир янгиликни таҳлил қила билиши ва ўқувчилар онгига сингдира олиши лозим.*

*Масъулиятни чуқур ҳис эта олган мактаб жамоаси ўз дарсларини янги педагогик технология асосида, техник воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб бора олади.*

*Бизнинг мактабимизда ҳам ана шундай масъулиятли, фидокор, тажрибали ўқитувчилар кўплаб топилади. Масалан, физика фани ўқитувчиси Юсуф Шодиев ўз дарсларида тестдан фойдаланишнинг энг қулай усулини ўйлаб топди. Бу усул тестдан фойдаланишнинг комбинация усулидир. Бунда ўқувчиларнинг дарсга қизиқишлари, фаоллиги, топқирлиги янада ортади. Яна шундай ўқитувчиларимиздан рус тили ўқитувчиси Юлдуз Мирзақулова ўз дарсларини ноанъанавийлик усулида олиб бормоқда. Бунда у турли сўз ўйинларидан, саҳна дарсларидан, қизиқарли — жумбоқли саволлардан ўринли фойдаланмоқда. Шунингдек, мактаб ҳаётида доимий ўтказилиб келинаётган ҳар бир тадбир ва танловлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

### Maktabim — faxrim

*"Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?" танловлари бўйича ўқувчиларимиз туманда фахрли ўринларни эгаллаб, вилоят танловига йўлланма олишди.*

*Ҳар бир кеча, тадбир, танлов ўқувчилар онгини ўстиришга, дунёқарашини кенгайтиришга, мустақил ва эркин фикрлашга қаратилгандир.*

*Таълим-тарбия жараёни кўп қиррали бўлгани учун, таълимнинг янги, ҳали очилмаган, кашф қилинмаган сир-синоатларини очишдек муҳим вазифалар турибди олдимизда. Жамоамизда меҳнат қилаётган мана шундай изланувчан ўқитувчилардан Ҳасан Исмоилов, Башорат Каримова, Рустам Зойиров, Мавжуда Исломова, Ҳафиза Воққосова, Абдуҳамид Нурматов, Ҳайитгул Кубаева, Зуҳра Худойқулова ва Каромат Исоқоваларни алоҳида эътироф этиб ўтишни истардим. Таълим-тарбия жараёнининг мураккаб томонларини чуқур англаган бу ўқитувчиларимиз "Менинг мактабим — менинг оилам" деган фикр билан меҳнат қилмоқдалар.*

**Улуғбек САЙДАЛИЕВ,**
**Оқолтин туманидаги 8-ўрта мактаб директори, "Шуҳрат" медали совриндори, Халқ таълими аълочиси**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда республика "Устоз" жамғармаси "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари" республика танловини

# ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов қуйидаги фан соҳалари бўйича ўтказилади:
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математика ва табиий-илмий;
- умумтаълим ва умумкасбий;
- ихтисослик.

## ТАНЛОВ ТАЛАБЛАРИ

Танловга тақдим этилаётган дарслик ва ўқув қўлланмалари:
- Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганидан сўнг нашр қилинган бўлиши;
- умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимлар бўйича Давлат таълим стандартларига мос келиши;
- миллий истиқлол ғояси ва қадриятларимизни ўзида акс эттириши;
- таълим жараёнида бир ўқув йилида қўлланилган ва ижобий тақризлар билан эътироф этилиши;
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида яратилган бўлиши;
- кўзда тутилган таълим тури учун белгиланган ўқув-услубий талабларга тўлиқ жавоб бериши;
- янги педагогик технология талабларига мувофиқ келиши ҳамда аниқ ва равон тилда ёзилган бўлиши;
- илмий, ғоявий ва тарбиявий мазмуни жиҳатидан Ўзбекистоннинг маънавий ва этнопсихологик мероси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини чуқур англашга кўмаклашиши лозим.

*Танловда тасарруфидан қатъий назар, таълим ва илмий-тадқиқот тизимига тааллуқли барча ўқув ва илмий муассасалар, вазирликлар, қўмиталар, идоралар ҳамда айрим олимлар, педагог ходимлар, амалиётчилар ва бошқалар иштирок этишлари мумкин.*

*Олдинги йиллари худди шу танловда қатнашиб, "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиётлари муаллифлари" республика танлови ғолиблари бўлган ўқув адабиётлари танловга қўйилмайди.*

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар белгиланган:

**1-мукофот (1-даражали диплом ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида пул мукофоти)**
**2-мукофот (2-даражали диплом ва энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул мукофоти)**
**3-мукофот (3-даражали диплом ва энг кам иш ҳақининг 15 баробари миқдорида пул мукофоти)**

*Икки ва ундан ортиқ нашр этилган ҳамда танловда ғолиб чиққан дарслик ва ўқув адабиётлари муаллифларига илмий даража ва илмий унвон бериш тавсия этилади.*

*Танловнинг якуний натижалари 2002 йил 1 октябрда, "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"да оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.*

*Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг асл нусхалари йўлланма хат (ёки ариза) тақризлари билан жорий йилнинг 1 августигача танлов комиссиясига тақдим этилиши зарур.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси, 3-уй.**
**Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти.**
**Тел: 144-01-11, 41-80-07**

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

**Ҳозирги пайтда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида 3499 нафар педагог ходимлар ва 509 нафар муҳандис-педагоглар меҳнат қилишмоқда. Уларнинг 19 нафари фан доктори, 198 нафари фан номзодлари, 542 нафари олий тоифали, 994 нафари 1-тоифали педагоглардир. 1998-2001 йиллар давомида таълим тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган педагоглардан 11 нафари Давлат орден ва медаллари, 14 нафари "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси", 7 нафари "Олий ва ўрта махсус таълими фидойиси", 143 нафари вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг "Фидойи мураббий" кўкрак нишонини олишга сазовор бўлдилар.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 253-қарорига асосан, 2001 йилнинг 6—16 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг "Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари ат-тестацияси" бошқармаси мутахассислари томонидан янгидан коллежга айлантирилган таълим муассасаларининг умумтаълим фан ўқитувчилари аттестациядан ўтказилди. Аттестацияга жалб қилинган 684 нафар ўқитувчининг 513 нафари эгаллаган лавозимига лойиқ (75 фоиз), 125 нафар ўқитувчи шартли лойиқ (18,3 фоиз), 46 нафар ўқитувчи эгаллаган лавозимига нолойиқ (6,7 фоиз) деб топилди. Аттестация натижаларига кўра Самарқанд 1-сон педагогика билим юрти, Самарқанд озиқ-овқат техникуми, Каттақўрғон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Ургут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи, Самарқанд механика-иқтисодиёт коллежлари (100 фоиз) энг яхши кўрсаткичларга эга бўлдилар.**

## КЕЛАЖАКНИ КАДРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ



## БИЗДА БЎШ ВАҚТ ЙЎҚ



*Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда ҳам ўқув юртларида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўқув юртларида спортнинг футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол, бокс, кураш, енгил атлетика, стол тенниси ва бошқа турлари бўйича 1000 дан ортиқ спорт секциялари ҳамда қизиқишларига қараб ҳар турдаги фан тўгаракилари фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур фан ва спорт тўгаракларида 25 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар қатнашмоқдалар.*

*Бундан ташқари, ўқувчи-ёшлар ихтиёрига 16 та стадион, 62 та спорт зали, 3 та сузиш ҳавзаси, 11 та теннис корти ва спортнинг волейбол, қўл тўпи, баскетбол ва бошқа турлари бўйича 140 дан зиёд майдонлар топширилган. Шу билан биргаликда уларнинг жисмонан ҳамда руҳан соғлом бўлиб вояга етишлари учун ҳар хил маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. "Баркамол авлод" спорт мусобақалари, "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинлари, "Ўзбекистон қўшиқ байрами", "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз Конституцияни биласизми?" ва бошқа шунга ўхшаш тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 7-9 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларининг республика босқичида Самарқанд саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидан таркиб топган вилоят терма жамоаси 1-ўринни эгаллади.*

*"Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг республика финал босқичида иштирок этган Беруний номидаги педагогика билим юрти талабаларининг концерт дастури энг юқори натижа билан баҳоланиб, республика ғолиби деб эълон қилинди.*

*2001 йилнинг май ойида Жиззах шаҳрида ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида иштирок этган вилоят терма жамоаси вакиллари 2 та олтин, 4 та кумуш ва 29 та бронза медалини қўлга киритиб, Қорақалпоғистон, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри спорт жамоалари орасида фахрли 5-ўринни эгаллашди ва қимматбаҳо компьютер билан тақдирландилар.*

*Шу билан бирга республика миқёсида ўтказилган "Энг яхши кутубхона" кўрик-танловида Самарқанд банк коллежининг кутубхонаси 2-ўринни, "Энг яхши автомобиль ҳайдовчиси" кўрик-танловида Каттақўрғон транспорт коллежи ўқувчиси Али Тўрткараев 3-ўринни, "Энг яхши китобхон" республика кўрик-танловида Самарқанд миллий ҳунармандчилик лицейи ўқувчиси Кантимой Ёқубова 4-ўринни эгаллашди.*

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Касб-ҳунар коллежларига Корея Республикаси кредити ҳисобидан 811 млн. сўмлик ўқув лаборатория жиҳозлари етказиб берилди. 2001 йил 3 сентябрда СамДУ қошидаги академик лицейда кореялик мутахассис, биология фани эксперти, профессор Тэ Янг Чун иштирокида Жанубий Корея кредити асосида ажратилган асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ўрнатиш ҳамда таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича вилоят академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари биология фани ўқитувчиларининг ўқув семинари ўтказилди.

Ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш мақсадида 2001 йил 2 май куни Канаданинг Нова Скотиа Коммюнити коллежидан келган ҳамкасблар Самарқанд енгил саноат касб-ҳунар коллежининг ўқув жараёни билан танишиб, ўқув жараёнини янада такомиллаштиришга доир фикр ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, 2001 йил 22-29 май кунлари франциялик ҳамкасблар Бадия Ҳаммади ва Олег Синолескалар иштирокида Самарқанд банк коллежи ўқувчи ва ўқитувчилари билан учрашув ўтказилди.

Германиянинг Техник ҳамкорлик жамияти билан вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг педагог-муҳандислари малакасини ошириш, касбий таълим ва битирувчиларни ишга жойлаштириш, битириш имтиҳонлари ўтказиш маърузаси бўйича амалий семинар машғулотлари ўтказилди.

Евроосиё фонди томонидан ажратилган 23 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант ҳисобидан Самарқанд халқаро менежмент ўқитиш маркази ҳамкорлигида "Самарқанддаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бозор иқтисодиёти, бизнес ва менежмент асослари фанларини замонавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш ҳамда такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича 2001 йил 15-20 октябрь кунлари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи, муҳандис-педагоглар иштирокида ўқув семинари ташкил этилди.

Бошқарма тасарруфидаги ўқув муассасаларининг 16 нафар ўқитувчи ва раҳбар ходимлари 2001 йилда хорижий мамлакатларда ўз малакаларини оширдилар. Хусусан, "Устоз" жамғармаси гранти совриндори сифатида 6 нафар ўқитувчи Англия ва Канадада, 1 нафар инглиз тили ўқитувчиси АКСЕЛС кўмагида АҚШда ва бошқалари ЎМКҲТ Маркази томонидан Жанубий Корея давлатида тажриба алмашиб қайтдилар.

**Муродилло ХОЛМУҲАММЕДОВ,**
**Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи**

**Боғбон ниҳолни парваришлаб, йиллар давомида вояга етказади. Боғбон ниҳолни қанчалик эҳтиёткорлик билан парваришласа, муаллимлар, яъни устозлар ҳам инсонларни ана шундай вояга етказади. Устозлар берган илм ва таълим-тарбия натижасида инсон етук шахс сифатида улғаяди, камол топади.**

**Яқинда Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 79-мактабнинг ўқитувчиси Хуррам Дўстиёров "Халқ таълими аълочиси" нишонига сазовор бўлди.**

## МЕН ҲАМ ХУРСАНДМАН, УСТОЗ

**Хуррам ака бир неча йиллардан буён бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бермоқда. Ҳозирги кунда у киши шогирдлари юқори ташкилотларда, шифохоналарда, ўқув юртларида, мактабларда фаолият юритмоқда. Мен устозим Хуррам акага ўзим ва у кишидан таълим олган барча ўқувчилари номидан ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ўқувчиларга илм беришдек заҳматли ишларида мустаҳкам соғлик тилайман.**

**Абдиманнон ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси**

